<i>Makhmudova Zulfiya Khomitovna</i> ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION AND FAMILY COOPERATION .....	469-476
<i>Abduvasieva Mahmuda Khamidullo qizi</i> UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM .....	477-483
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION .....	484-489
<i>Esanova Gulchehra</i> PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS .....	490-497

**Received:** 22 April 2024

**Accepted:** 1 May 2024

**Published:** 10 May 2024

*Article / Original Paper*

## **IMPROVING ACCOUNTING AND CONTROL OF FINANCIAL RESOURCES IN STATE MEDICAL ORGANIZATIONS**

**Kuliboyev, Azamat Shonazarovich**

Doctor of Philosophy in Economic Sciences (PhD)

Tashkent State University of Economics (TSUE)

E-mail: [azamatkuliboyev@gmail.com](mailto:azamatkuliboyev@gmail.com)

**Abstract.** This article reveals the theoretical aspects of the composition of financial assets of state medical organizations and accounting for their movement. The current state of financial accounting in state medical organizations has been studied. The author's proposals for improving the accounting and control of financial resources in state medical organizations are presented.

**Key words:** budgetary funds, extra-budgetary funds, budgetary organization, accounting, state budget, financial assets, memorial order, cash, state medical organization, expense group, treasury, reporting forms.

## **ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Кулибоев, Азамат Шоназарович**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ)

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий активлари таркиби ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш назарий жиҳатдан баён қилинган. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати тадқиқ этилган. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш юзасидан муаллифлик таклифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, бюджет ташкилоти, бухгалтерия ҳисоби, давлат бюджети, молиявий активлар, мемориал ордер, пул маблағлари, давлат тиббиёт ташкилоти, харажатлар гуруҳи, ғазначилик, ҳисобот шакллари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N14>

**Кириш.** Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳада бўлгани каби бюджет тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Давлат бюджети ижросининг халқаро талаблар даражасида меъёрий – ҳуқуқий тизими юзага келди, бюджет тизимининг ғазна ижроси жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланганидек “Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислох



қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш...”га хизмат қилмоқда [2]. Буни бюджет маблағларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган бюджет ташкилотларининг маблағлари тўлиғича ғазначиликка қамраб олингани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида Президентимиз томонидан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги, бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Маълумки, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган маблағ албатта камаяди. Буни самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали бартараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мумкин. Айнан шунга эришиш биринчи галдаги вазифамиз” эканлиги айтиб ўтилди [4].

Ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб бюджет ташкилотларини, хусусан, давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш-нинг бюджет маблағлари билан бирга бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш имконияти қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда давлат тиббиёт ташкилотларининг нафақат бюджет маблағлари балки бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақлари ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланган пул маблағлари ташкилотларнинг ликвидлилик жиҳатдан энг юқори ўринда турувчи активи ҳисобланиб, мажбуриятларни тўлаш воситаси ҳисобланганлиги сабабли улар тўғрисида батафсил маълумотга бўлган талабдан келиб чиқиб, улар ҳисобини юритиш зарурати туғилади. Ушбу жараёнда ахборотга бўлган эҳтиёж қонунчилик билан тартибга солинган пул маблағлари ва ҳисоб – китоб операциялари ҳисобини ташкил қилиш орқали қондирилади.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб доимий равишда давлат тиббиёт ташкилотларида пул маблағлари ва ҳисоб – китоб операциялари ҳисобини ташкил қилиш услубиётини чуқур ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш зарурияти юзага келади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Остоноқулов, С.Меҳмонов ва А.Остоноқуловнинг бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобига оид илмий тадқиқот ва ўқув – услубий ишлари мавжуд. Хусусан, М.Остоноқулов ишларида бюджет ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириш ҳисоби масалаларига ёндашилиб, ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш ва ҳисобини юритиш ҳамда назоратини ўтказиш зарурлиги асосланган [7].

С.Меҳмонов бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Хусусан, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари, норматив –

ҳуқуқий тартибга солиш тизими, халқаро ҳисоб стандартларининг аҳамияти, шунингдек, ички аудитнинг назарий методологик жиҳатларини ёритган [6].

А.Остонокуловнинг тадқиқотлари бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг назарий асослари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг асослари тадқиқ этилган [8].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Ушаков “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш – барча ташкилотлар норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритишга мажбурдирлар. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш тартиби ташкилотларнинг турига боғлиқдир. Бюджет ташкилотларида ғазначиликка қамраб олинган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг асосий тармоққа хос бўлган хусусияти бу – ҳисоб сиёсати ҳисобланади” – деб илмий изоҳ берган [10].

Иқтисодчи олимлар М.Рябова, В.Башкатов ва Ю.Покусаев бюджет ташкилотлари, уларни молиялаштириш манбалари бўйича сметалар ижроси ҳисоби ва назоратини ташкил этишнинг хусусиятларини тадқиқ этган ва ўз қарашларини илмий талқин қилган [9].

Юқоридаги хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида асосан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, ички аудит, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратни ташкил этишнинг назарий – услубий жиҳатлари очиқ берилган бўлса-да, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш масалалари батафсил ўрганилмаган. Шу боисдан, ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугун кунда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, гуруҳлаш ва илмий тадқиқотга оид бошқа усуллар қўлланилди.

**Муҳокама ва натижалар.** Бюджет ижроси жараёнида давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотлари, хусусан, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари шаклланиши ҳамда сарфланишини узлуксиз ҳисобга олиш, уларни ҳужжатлаштириш ва ахборотларни тизимли шакллантириш учун бухгалтерия ҳисоби ташкил этилади. Давлат тиббиёт ташкилотлари ҳам давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этиладиган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш шартлари ва уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби худди бюджет ташкилотларидек, бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади [1].

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмасдан балки, уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги

“Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414–сонли Қарорига асосан бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ҳуқуқи берилган. Ушбу қарорга асосан бюджет ташкилотлари каби давлат тиббиёт ташкилотлари ҳам бюджетдан ташқари маблағларини шаклланиш манбаалари ҳамда сарфлаш йўналишлари тартибига қатъий амал қилади [3].

Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий активларига ҳисобварақлардаги пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари, йўлдаги пул жўнатмалари, молиявий кўйилмалар (вақтинча депозитга кўйилган пул маблағлари) киради [5]. Давлат тиббиёт ташкилотларининг пул маблағлари ҳисоби ва ҳаракати молия органлари томонидан очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида шахсий ҳисобварақларни очиш, юритиш, ёпиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидалари”га асосан амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юритилади. Давлат тиббиёт ташкилотлари номидан мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу жараёнда давлат тиббиёт ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятлари ғазначилик томонидан рўйхатга олинади.

Харажат гуруҳлари бўйича тўлов топшириқномаларига асосан тўловлар амалга оширилгандан кейин ғазначилик бўлинмалари тўлов топшириқномалари илова қилинган шахсий ҳисобварақлардан кўчирмани давлат тиббиёт ташкилотларига тақдим этади.

Давлат тиббиёт ташкилотларига ғазначилик бўлинмалари томонидан пул маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақда муомала амалга оширилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади. Бу кўчирмаларни ҳозирда “УзАСБО” дастурий мажмуаси орқали электрон кўринишда олиш имконияти мавжуд. Ушбу кўчирмаларга асосан давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб, бюджет маблағлари бўйича 2 – мемориал ордер ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича 3 – мемориал ордер ҳамда пул маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайдномалар ҳар қайси манбаалар бўйича 381 – сон шакл расмийлаштирилади. 2 ва 3 – мемориал ордерга асосан ёзувлар 308 – сон шаклдаги Бош журнал китобига туширилади. 308 – сон шаклдаги бош журнал китобидан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади (1-расм).




**1-расм. Шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳаракати ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик кўриниши<sup>1</sup>**

Бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларда кун охирига қолдиқ бўлмайди. Яъни, бюджетдан молиялаштириш амалга оширилганда тегишли ёзувлар билан 232 (503 000) “Бюджетдан молиялаштириш” субсчёти билан боғланган ҳолда акс этирилади. Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бюджет пул маблағлари бўйича муомалалар банкларда очилган ҳисобварақларда амалга оширилади. Бу ҳисобварақларда ҳам ҳисоблашувлар тўлов топшириғи орқали амалга оширилади. Бюджет пул маблағлари ҳисобварағида муомалалар амалга оширилган кун охирига хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисоб счётидан кўчирма тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414–сонли қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет маблағлари бўйича тежаб қолинган маблағлар, фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, балансида бўлган давлат мулкни ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобидан шакллантирилаши белгиланган. Шунингдек, ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига биринчи навбатда кредиторлик қарзларни тўлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276 – сонли қароридан кўрсатилган (2 – расм).

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган



**2-расм. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари<sup>1</sup>**

Давлат тиббиёт ташкилотларининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни сотишдан тушган тушумлар, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари юқорида келтирилган манбаалар бўйича ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритади. Яъни, ҳар бир манба бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлар белгиланган тартибда молия органлари томонидан бюджет маблағларига ўхшаш очилади ва ғазна дастурига киритилади.

Молия органлари томонидан давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлари бюджет маблағларига ўхшаш очилади. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади. Ғазна ижросига ўтмаган давлат тиббиёт ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича банкда алоҳида ҳисобварақлар очади ва юритади. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби қуйидаги субсчётларда юритилади (1 – жадвал).

**1 – жадвал**

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

**Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активларни ҳисобга олувчи  
бухгалтерия счётлари<sup>1</sup>**

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси бўйича		Ягона счётлар режаси бўйича	
Субсчёт рақами	Субсчётларнинг номи	Счётлар режаси	Счётлар номи
112	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	102 402	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси
113	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар	102 413	Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар
114	Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар	102 404	Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари
		102 414	Тақсимланадиган маблағлар
115	Валюта ҳисобварағи	105 300	Бюджет ташкилотларининг хорижий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари
119	Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари	102 403	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар
		102 416	Бошқа депозитлар
		102 418	Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар
		102 419	Кредитлар
		630 000	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари
120	Миллий валютадаги нақд пул маблағлари	109 100	Миллий валютадаги нақд пул маблағлари
121	Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари	109 200	Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари
130	Аккредитивлар	112 000	Аккредитивлар
131	Йўлдаги пул маблағлари	111 100	Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар
		111 303	Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар
		111 314	Тақсимланиши назарда тутилган тушумлар (тиббиёт муассасалари учун) ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар
		111 320	Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар
		111 900	Йўлдаги бошқа маблағлар
132	Пул эквивалентлари	113 000	Пул эквивалентлари

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

140	Депозитга кўйилган пул маблағлари	121 100	Қисқа муддатли ички депозитлар
		121 200	Қисқа муддатли ташқи депозитлар
		211 100	Узоқ муддатли ички депозитлар
		211 200	Узоқ муддатли ташқи депозитлар

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, давлат тиббиёт муассасаларида молиявий активларни ҳисобга олишда 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси» қўлланилмоқда. Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобини юритишда “УзАСБО–2” дастурий мажмуаси ҳам ишга туширилди. Янги дастурий мажмуанинг ишга туширилиши ва ягона счётлар режасининг ҳисобда қўлланилиши давлат тиббиёт муассасаларида ҳисоб объектларини ҳисобга олиш жараёнини тезлаштиришга, ҳисоботларни шакллантириш жараёнининг осонлашишига ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Хулоса.** Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишини назорат қилиш учун аввало, ҳисоб ишлари тўғри ташкил қилиниши зарур. Шунингдек, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатини назорат қилиш, амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ сарфланишини текшириш учун ҳам албатта ишончли бухгалтерия маълумотлари керак. Бунинг учун давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия хизматини тўғри йўлга қўйиш шарт ҳисобланади ва бунга ташкилот раҳбари масъулдир.

Давлат тиббиёт ташкилотлари бир вақтнинг ўзида сметалар ижроси (ҳақиқий ва касса харажатлар)ни амалга оширишни бюджет таснифи ва бухгалтерия счётларида параллел ҳисобга олишлари керак. Барча ташкилотларда ҳам сметалар ижроси ўз вақтидалилик тамойили асосида ҳисобга олинмаслик ҳисоб ишларида номувофиқликларни келтириб чиқаради.

Давлат бюджети ижроси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратининг амалий жиҳатларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш керак деб ҳисоблаймиз:

– ҳисоб ишларини ташкил этишда пул маблағлари бўйича объектларини тўғри аниқлаб олиш керак. Бунда пул маблағларини ҳисобда акс эттиришда ҳар бир пул маблағи бўйича мўлжалланган ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида тўғри ва ўз вақтида акс эттириш, улар бўйича қолдиқларни тўғри аниқлаб бориш, келиб тушиши кутилаётган пул маблағларини ўз манбаси бўйича ҳисобга олиш, пул маблағларининг сарфланишида бир ҳисоб объекти бўйича сарфланиши керак бўлган маблағ бошқаси ҳисобидан тўланишига йўл қўймаслик, кассага кирим қилинган маблағни шахсий ҳисобварақга қайтаришда тегишли манба бўйича амалга ошириш шарт;

– маблағларни сметаларда белгиланган мақсадларгагина йўналтириш зарур. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади. Мабалағларни сметаларда белгиланган харажат моддалари ва гуруҳлари бўйича мақсадли сарфлашни ташкил қилиш шарт. Масалан, ривожлантириш жамғармаси

маблағларини бюджет маблағлари бўйича юзага келган мажбуриятларни молиялаштиришга асоссиз йўл қўймаслик ёки аксини қилмаслик керак;

– қонунчилик талабаларига кўра ривожлантириш жамғармаси маблағлари дастлаб мавжуд кредитор қарзларни тўлашга йўналтирилиши белгиланган. Бунга кўра бюджет маблағлари бўйича сметадан ортиқча юзага келган мажбуриятлар ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади ва сарфланган маблағ 3 – мемориал ордерда ҳисобга олинади. Бир томондан ушбу ҳолатда кредиторлик мажбурият тугатилади, бошқа томондан эса шу каби муомалалар бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар касса харажатларга нисбатан юқори бўлиб, бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни таҳлил қилишда нотўғри ахборотларни келтириб чиқаради;

– ҳисобварақлардаги маблағлар ҳаракатини фақат бошланғич ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш. Бунда, шахсий ҳисобварақлар бўйича муомалаларни ҳисобда акс эттириш учун шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар маълумотларига асосланиш, касса муомалаларини юритишда касса кириш ва чиқим ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар мавжудлигини таъминлаш ва улар кўрсаткичларини тегишли мемориал ордерлар кўрсаткичлари билан мантқан мос келишини назорат қилиб боришни ташкил қилиш керак;

– ҳисобварақлардаги маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботларни тузишда ҳисобот маълумотларининг ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шакллари кўрсаткич-ларига мувофиқлигини назорат қилиб бориш. Ҳозирги кунда аксарият давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни ғазначилиқдан олинган ташкилотнинг шахсий ҳисобварақларидан олинган кўчирмалар асосида тузишмоқда. Бунга сабаб, маблағлар ҳаракатини ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шаклларида ўз вақтида ёки талаб даражасида акс эттирилмаётганлигидир. Бу ҳисоб маълумотларининг ҳисобот маълумотлари билан мос келмаслигига олиб келади. Шундай экан, молиявий активлар ҳаракати бўйича ҳисоботларни ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шакллари кўрсаткичлари асосида шакллантиришни таъминлаш керак.

– бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳаракатини қонунчилик доирасида амалга оширилишини назорат ва таҳлил қилиб бориш зарур. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276 – сонли қарори талабларининг бажарилишига амал қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратини таъминлаш учун амалдаги норматив –ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкилот ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш юқорида келтирилиб ўтилган масалаларнинг ўз ечимини топишига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Kuliboyev A.Sh. “Byudjet g’azna ijrosi hisobi” fanidan O’quv-uslubiy majmua. –Т.:ТМІ, 2019. bet.
2. Кулибоев А. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари //MOLIYA VA BANK ISHI. – 2022. – Т. 8. – №. 1. – С. 84-89.



3. Кулибоев А. Ш. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.
4. Кулибоев, А. (2023). Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8). <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23>
5. Меҳмонов С.У., Кулибоев А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иқтисод-молия» 2018. 186 б.,
6. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография – Т.: “Iqtisod va moliya”. 2016. – 136 б.
7. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod va moliya”. 2009. – 428 б.
8. Остонақулов А.А. “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш” монография. Т: VNESHINVESTPROM нашриёти, 2021, 208 бет.
9. Рябова М.А. и друг. Бюджетный учет и отчетность: учебное пособие/ Ульяновск: УИГТУ, 2010 г.
10. Ушаков А.А. “Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения”, автореферат., к.э.н., 2012. 14 с.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).